# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 57 (9.707) 2002 йил 17 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

### Янгиликлар, воқеалар



*«Азиза — Сайфи қизи» хусусий фирмасида тайёрланаётган бежирим ва сифатли маҳсулотларга мамлакатимизнинг ички бозорларида талаб катта бўлмоқда. Чунки бу даргоҳда қўли гул чеварлар ҳар бир бажараётган ишига сидқидилдан ёндошадилар.*

*СУРАТДА: корхонанинг моҳир тикувчиларидан Малоҳат Норматова ҳамда Муяссар Ҳайдаровалар иш устида.*

*Тоҳир Нигматуллин олган сурат.*

## ҚИСҚА сатрларда

❑ **ТОШКЕНТ** шаҳар Адлия бошқармасида ҳуқуқшунослар иштирокида бўлиб ўтган семинар-машғулот Миробод туманидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар тузилишини назорат қилиш масаласи муҳокамасига бағишланди.

❑ **ЎЗБЕК**-япон марказида менежмент курси бўйича япониялик мутахассислар кўмагида таълим олган пойтахтимизнинг олий ўқув юртлари аспирантларига битирув сертификатлари топширилди.

❑ **ЎЗБЕКИСТОН** табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида эколог олимлар иштирокида ўтказилган анжуманда табиатни асраб-авайлаш масаласи муҳокама қилинди.

❑ **ҚАРИЯЛАРНИ** қадрлаш йили муносабати билан Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласида фахрийлар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда. маҳалла фуқаролар йиғини томонидан кексаларга совғалар топширилди.

❑ **САДРИДДИН** Айний номли 84-умумтаълим мактабида 7-синф ўқувчилари иштирокида «Миллий истиқлол ғоялари» фани доирасида ўтказилган беллашув «Билимдонлар, зукколар, эпчиллар» деб номланди.

❑ **ШУНИНГДЕК,** 192, 118-мактабларда иқтидорли ўқувчилар ўртасида уюштирилган «Сиз солиқ тўғрисида нималарни биласиз?» мавзуидаги кўрик-танлов ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

❑ **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида намойиш этилган «Баҳорни дунё кўрсин» мавзуидаги тадбирда Акмал Икромов тумани мактабларининг ўқувчилари иштирок этишди.

❑ **ТОШКЕНТ** солиқ коллежида талабалар иштирокида ўтказилган «Эртаклар кечаси» мавзуидаги адабий тадбир болаларнинг севимли ёзувчиси Ханс Христиан Андерсеннинг таваллуд куни муносабати билан уюштирилди.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА**

# Оромгоҳлар мавсумга шайми?

**Ёз мавсуми эшик қоқмоқда. Тез орада мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ёзги таътилга чиқишади. Хўш, шаҳримиз ҳудудида жойлашган ва пойтахт атрофидаги хушманзара оромгоҳлар болаларни қабул қилишга тайёрми? Умуман, таълим пайтида уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, лозим бўлса иш билан таъминлаш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилади каби ўринли саволларнинг туғилиши табиий.**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида мутасадди корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари иштирокида мактаб ўқувчиларининг таътили кунларида болаларнинг дам олишига тайёргарлик кўриш ва уни таъминлаш бўйича шаҳар комиссиясининг йиғилишида ана шу масалалар юзасидан атрофлича сўз юритилди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Қурбонов олиб борди.

Дастлаб Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Намоз Рўзиқулов бош бошқармага қарашли умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ёзги таътил кунларида соғломлаштириш ва дам олишларини мазмунли ташкил этиш мақсадида режалаштирилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди. Шуни айтиш кераккки, яқинда 275 мингга яқин ўқувчи таътилга чиқади. Уларнинг пойтахт мактаблари қошидаги 25 та, шаҳардан ташқаридаги 38 та оромгоҳларда дам олишлари ташкил этилади. Шунингдек, шаҳардаги мавжуд 14 та қўшимча таълим мажмуалари, кўплаб спорт клублари кучайтирилган тартибда ишлайди. Маҳаллалар, мавжуд 13 та боғлар имкониятларидан фойдаланиб турли тўгараклар ташкил қилинади, оммавий тадбирлар ўтказилади.

Йиғилишда шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Фозил Рўзибеков оромгоҳларнинг мавсумга шайлиги тўғрисида тўхталиб ўтди. Уларнинг раҳбарлари, етакчиларини тайёрлаш ишлари юзасидан маълумот берди.

Йиғилиш давомида оромгоҳларнинг ёзги мавсумга тайёргарлиги жараёнини текшириш пайтида аниқланган камчилик ва муаммолар таҳлил қилиниб, уларни тузатиш чора-тадбирлари белгиланди. «Маҳалла», «Камолот», Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

☑ **АНЖУМАНЛАР**

**КЕЧА**

# Халқаро музейлар кунига бағишланди

**Темурийлар тарихи Давлат музейида Халқаро музейлар куни муносабати билан «XXI асрда Ўзбекистон музейлари» мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Уни Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий комиссияси, республика «Ўзбекмузей» жамғармаси, Фан ва технология маркази, мувофиқлаштириш кенгаши маркази Темурийлар тарихи Давлат музейи билан ҳамкорликда ўтказдилар.

Анжуманни республика «Ўзбекмузей» жамғармасининг раиси, Темурийлар тарихи Давлат музейининг директори Н. Ҳабибуллаев кириш сўзи билан очиб музейнинг олиб бораётган ишлари, айниқса, Франция, АҚШ ва Ганноверда ўтказилган музей кунлари ҳақида алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг ЮНЕСКО ишлари бўйича масъул котиби А. Икромов «Музейлар ривожланишида замонавий жаҳон анъаналари» мавзуида сўзлаб, ЮНЕСКО экспертларининг кузатишлари асосида Ватанимиз музейларининг иш фаолиятлари, ютуқ ва муаммолари ҳамда уларнинг ечимларига тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси бошлиғи Т. Зоитов «Музейлар фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган янги меъёрий ҳужжат тўғрисида» яратилаётган қонун ҳақида маълумот берди. Юртимиздаги бир қатор музейларнинг раҳбарлари ҳам музейларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўзладилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги музейлар илмий методикаси йўналишини янада такомиллаштириш йўлидаги тавсиялар билдирилди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

☑ **ТЕННИС**

# Мусобақалар бошланди

**БУГУН**

**шаҳримиздаги «Динамо» теннис клуби кортларида Ўзбекистон Кубоги турнири доирасида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти спортчилари ўртасидаги беллашувлар бошланади.**

Шуни таъкидлаш керакки, иккинчи марта ўтказилаётган Ўзбекистон Кубоги каби мусобақалар жаҳоннинг бирорта давлатида мавжуд эмас. Унинг бош ташкилотчиси — Ўзбекистон теннис федерацияси Дэвис Кубоги қоидаларини турнирга асос қилиб олди. Ўзбекистон Кубоги теннисчиларнинг жамоавий мусобақалари бўлиб, унинг беллашувлари уч кун давомида ўтади. Мусобақалар теннисни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш, жойларда ёш иқтидорларни кашф этиб, уларга катта теннис сари йўл очиш мақсадларини кўзлаб ташкил этилмоқда.

Нимчорак, чорак, ярим финал ва финал беллашувларидан иборат Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг эркаклар терма жамоалари ғалаба учун кураш олиб боришади.

Бу галги Кубок бахслари да шаҳримиз теннисчи шарафини миллий ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган Денис Курматов, Мурод Иноятов, Сарвар Икромов ва Денис Салимсаковлар ҳимоя қилишади. Ўйлаймизки, ёш иқтидорларимиз ҳар доимгидек ўзларининг энг яхши хислатларини намоён қилишиб, бош мукофотни қўлга киритишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **кеча** Оқсаройда Япония Халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчиси Кёсуке Шинозавани қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Равшан Ҳайдаров Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Равшан Ҳайдаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири вазифасидан озод қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида республикамизга Япония ҳукумати ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

● Республика биржа марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат марказий қимматбаҳо қоғозлар депозитарийси билан Корея Республикаси Марказий қимматбаҳо қоғозлар депозитарийси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

● Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасининг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси муаммолари» мавзуида конференция ўтказилди.

● Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қора ва рангли металл чиқиндиларини тўплаш ва металлургия комбинатига ўз вақтида етказиб бериш бўйича белгиланган режаларни оғишмай бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

● Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси Тошкент давлат юридик институтида «Ёш ҳуқуқшунослар» клубининг навбатдаги конференциясини ўтказди. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети талабалари иштирок этган ушбу конференция мамлакатимиздаги янги сиёсий ислоҳот — икки палатали парламентга бағишланди.

● Шу йилнинг май ойи бошида Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикасига Оролбўйи ҳудудида сув таъминоти тизимини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш учун қарз ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шунга кўра **куни кеча** Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Хитойнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган йиллик мажлисида ичимлик сув таъминоти тизимини такомиллаштириш лойиҳаси бўйича 38 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қарз шартномаси имзоланди.

● Бухорода республика мол хомашё биржасининг бўлими — янги бизнес маркази иш бошлади.

● Қўқон шаҳрида Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий услубият маркази, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Фарғона вилоят ҳокимлиги, маданият ишлари бошқармаси ва шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан аскияси ва қизиқчиларнинг бешинчи анъанавий Республика кўрик-танлови ўтказилмоқда.

● **Кеча** «Пахтакор» стадионида футбол бўйича Тошкент шаҳар ҳокими Кубоги учун ўтказилган финал беллашувида «Академия» жамоаси «Бектемир»ни 2:1 ҳисобида енгиб нуфузли совриннинг соҳиби бўлди.

### Жаҳонда

● АҚШ транспорт вазирлиги Вашингтон шаҳридаги Рональд Рейган номли халқаро аэропортга шахсий самолётлар қўнишини учун рухсат беришга қарор қилди.

● Америка ҳарбийлари Афғонистонда «Толибон» ҳаракатининг собиқ раҳбарларидан бири Мулло Абдул Саломни асирга олишган. «Afghan Islamic Press» ахборот агентлиги ана шундай маълумот тарқатган.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа нисбатан жазо чоралари қўллашнинг янги тартибини маъқуллади. Ушбу ҳужжат АҚШ ва Буюк Британия ташаббуси билан қабул қилинди.

● Япония прокуратураси томонидан мамлакат ташқи ишлар вазирининг икки нафар мансабдор вакили Россия учун ажратилган ёрдам воситаларини мақсадсиз ўзлаштиришда айбланиб қамоққа олинди.

● Венгриянинг Кискемит шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтаётган жаҳон биринчилиги ниҳоясига етди.

## 18 МАЙ — ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ



# Мозийдан сўзловчи хазина

**Пойтахтимиз Тошкентда ўзбек меъморчилигида ўзининг қурилиш услуби, зийнати ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турадиган бир қанча мадраса, масжид ва саройлардан ташқари, XX аср бошларида қурилган гўзал ва нақшинкор бинолар ҳам бор.**

Бугунги кунда Республика халқ амалий санъати музейи жойлашган бино ана шулардан биридир. Бундан юз йил илгари европача тарзда қурилган бу қасрнинг юзага келишида рус меъморларидан А.Бумейстер, Г.Сваричевский, И.Маркевич, тошкентлик машҳур ганчкор-ўймакор уста Тошпўлат Арслонқулов, Тошкент наққошлик мактабининг йирик билимдони Олимжон Қосимжонов, бухоролик ганчкор уста Ширин Муродов, шунингдек, Самарқанд, Хива, Қўқон, Риштон ва Хўжанд шаҳарларининг тажрибали халқ усталари қатнашганлар. Бино қуриш зарур бўлган материаллар — пишиқ ғишт Тошкентдан, сержило кошинлар Қўқон ва Риштондан, ганч Бухородан, устун ва эшиклар Самарқанд чинорларидан ясалган. Чинор дарахтининг энг сифатли ёғочидан ясалган эшикларига «Ислимий» ва «Боғдодий» услубида ўйма нақшлар солинган. Бинонинг ички хона деворлари ганч нақшлари билан нафис ва бежирим қилиб безатилган. Бунда ўзбек ганчкор усталари қўллайдиган «Гулли рафтар», «Патнис ислим», «Гириҳ» (геометрик чизма), «Чакопардоз» ва бошқа услубларни ҳам учратиш мумкин. Бинонинг учта хонаси ва кенгаш зали турли-туман миллий безаклар, нақшлар ва гуллар билан серҳашам қилиб безатилган. Залнинг тўрида ва этагида иккитадан токча, бошқа бир томонида эса меҳроб бор. Токча нақшли ганч панжара билан тўсилган. Бино залининг тўрида ва шимол томонида ўзбек миллий амалий санъатининг энг яхши намуналаридан ҳисобланган иккита сернақш ва нафис ўймакор эшик бор. Буларнинг ўзини ўзбек амалий санъатининг бир жимжимадор безаги дейиш мумкин.

Биз ҳикоя қилаётган маданиятимиз гўзгуси ҳисобланган бинода ўнта зал бўлиб, уларга музей заҳирасидаги етти мингдан ортиқ турли нодир экспонатлар тартиб билан жойлаштирилган. Экспонатлар турли даврларга тегишли бўлиб, улар мустақил республикамиз бадиий ҳунармандчилигининг ривожланиш тарихи, ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади. Музей заллари бўйлаб айланган кишининг диққатини биринчи навбатда гилам, палос, сержило кашта ва палаклар тортади. Чўғдек ёниб турган сернақш гилам ва палослар орасида Хива, Андижон, Фарғона, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Ургут, Нурота туман ҳунармандлари тайёрлаган иш намуналарини кўриш мумкин. Ўзбек каштачиларининг буюмлари ўзининг ранг-баранглиги билан томошабин кўзини қамаштиради. Тошкентдаги бадиий каштачилик фабрикасида яратилган бу нафис ва гўзал буюмлар республикамизнинг ҳамма ҳудудларида маълум ва машҳур.

Халқ амалий санъатининг энг ривожланган тури, бу сўзсиз, ёғоч ўймакорлиги ҳисобланади. Нақшинкор устунлар, пештоқлар, эшиклар, панжаралар бинолар ҳуснига ҳусн берган, уй анжомларидан хонтахта, курси, турли идишлар ҳам нодир ёғочлардан ясалиб, улар ўйма гуллар билан безатилган. Музей залларидан бирига ёғоч ўймакор усталарининг ана шундай асарлари қўйилган. Унда хивалик, бухоролик, самарқандлик, қўқонлик ва тошкентлик халқ усталарининг ёғоч ўймакорлигига доир санъат асарлари, Ўзбекистон халқ рассоми Қодир Ҳайдаров, Сулаймон Хўжаев ва унинг шогирди Маҳсуд Қосимовнинг безакдор ишлари, Т.Тўхтахўжаев, Ё.Раупов, Ж.Ҳакимов ва Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий академиги Ортиқ Файзуллаевнинг безакли «панжара»си киши диққатини ўзига тортади. Шу залда усталаримиз томонидан суяк, садаф, эмал, турли нодир дарахт ёғочларидан ишланган ва ранг-баранг тусда товланувчи мусиқа асбоблари — дутор, танбур, рубобларни кўрган кўзлар қувонади.

Ўзбекистонда бадиий кулолчилик қадим замонлардан барқ уриб ривожланган. Самарқанд, Тошкент, Риштон, Хива, Ғиждувон ва Шаҳрисабз усталари томонидан яратилган лаган, коса, пиёла, кўзалар ўзининг пишиқ ва нозиклиги, рангининг жилоси, нафис нақшлари билан дунёга машҳур бўлган.

Шунингдек, музей залларидан мисгарлик, заргарлик, зардўзлик сингари амалий санъат турларидан намуналар, чиннисозликнинг ўзига хос ноёб асарлари ҳам ўрин олган. Бу ердаги халқ амалий санъати асарларининг энг яхши намуналари Париж, Нью-Йорк, Брюссель, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Канада, Италия, Югославия ва бошқа халқаро кўргазмаларда ўнлаб олтин, кумуш ва бронза нишонлар, дипломлар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Музей раҳбарияти қўшни ва хорижий давлатлар ва уларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари орқали маданий алоқаларни йил сайин ривожлантириб, музей кўргазмалари орқали уларни Ўзбекистонимизнинг бой ўтмиш тарихи, маданияти, санъати, турмуш тарзи ва урф-одатлари билан имкони борича таништириб келмоқдалар.

Шу кунларда ўзининг 65 йиллик юбилейини нишонлаётган Республикамиздаги йирик маданий-маърифий-маънавий муассасалардан бири ҳисобланган бу музейнинг жамоаси олиб бораётган ташкилотчилик ишлари анча салмоқлидир. Улар музей ишларини яхши йўлга қўйиш, нодир экспонатларни сифатли ва яхши сақлаш, фондларни янгидан-янги материаллар ҳисобига бойитишда фаол қатнашиб келмоқдалар. Музейнинг К.Турсуналиев, М.Ибодова, М.Мирёқубов, Ю.Рибаков, Н.Абдураҳимова, Ю.Ёрмуҳамедова, М.Лапаева, С.Холиқова каби ташаббускор ва ҳаракатчан ходимлари кўргазмалар ташкил этиш, учрашувлар ўтказиб туриш ҳамда аждодларимиз мероси намуналари бўлган амалий санъат асарларини ёшлар ўртасида ташвиқот ва тарғибот қилишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Музей ҳар бир халқнинг шу соҳада эришган ютуқларини акс эттирувчи кўзгусидир. Шу боисдан бирон-бир қўшни ёки хорижий мамлакатга борган киши, энг аввал у ердаги диққатга сазовор жойлар қатори музейларни ҳам зиёрат қилади, ундаги шу юрт, шу халқнинг бутун ўтмиши, маданияти, санъати, турмуш тарзи, урф-одатлари, ҳозирги ҳаёти ва келажак ўйлари билан танишади.

— Республикамиз мустақиллиги даврида халқ амалий санъатида қўлга киритилган улкан ютуқлар, яратилган янги асарларни халқимизга, ёшларимизга, айниқса юртимизга ташриф буюраётган хорижлик дўстларга кенг намойиш этиш, ўтмиш аждодларимиздан қолган бой маданий меросимизни кўрсатиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир, — дейди музей директори Турғунжон Дўстоев биз билан суҳбатда.

**Рашид БОЙТУЛЛАЕВ**



**СУРАТЛАРДА: музей экспонатларидан лавҳалар.**

# Замон талаблари асосида

**Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент Солиқ коллежида масъулиятни сезиш каби хусусиятлар ўқиш жараёнида ривожланиб боради. Бир сўз билан айтганда, ўқув юртимизнинг ўзига хос томонлари бор.**

2001-2002 ўқув йилида коллеж раҳбарияти ва ўқитувчилари ташаббуси билан II курс курсантлари учун ҳар бир кафедрада тўгараклар ташкил қилинди. Ана шулардан бири Ҳуқуқий фанлар кафедраси қошида ташкил этилган «Адлия маслаҳатчиси» тўгарагидир. Унга 50 дан ортиқ II курс талабалари аъзо бўлган. Тўгаракда қизиқарли мавзуларда давра суҳбатлари, турли учрашувлар, коллеж ташқарисида амалий соатлар ўтказилади.

Шу билан бирга биз ёшларнинг ҳаётда, жамиятда ўз ўрнимизни топишда ва солиқ тизимида масъулиятли ишлашга тайёрлашда дарсдан ташқари олаётган ахборотлар катта ёрдам бермоқда.

Куни кеча Республика Олий хўжалик судининг раҳбарияти ва ўқув маркази ҳамкорлигида мазкур тўгаракнинг 20 нафар аъзоси унинг раҳбари, ҳуқуқ фанлари кафедрасининг катта ўқитувчиси Муяссар Сайдалиева бошчилигида Республика Олий хўжалик судига амалий машғулот ўтиш учун борди.

Унда биз Олий хўжалик суди фаолияти, вазифалари, унда ташкил этилган музей билан танишиш билан бирга, кассация даъвоси бўйича суд жараёнида қатнашдик. Амалий машғулот давомида Олий хўжалик суди, унда иш юритиш тартиби ва ҳатто хўжалик иши бўйича суд жараёнини ўз кўзимиз билан кўриб, жуда катта маълумотларга эга бўлдик. Бизга ўқув марказининг бошлиғи Ш. Хўжаев, Тошкент вилояти хўжалик суди раиси У. Эрназаров ва Олий хўжалик суди судьялари Х. Убайдуллаев ва И. Анортоевлар суд ҳақида тушунча бериб, талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Суд жараёнидан сўнг олган таассуротларимиз тўгарак мажлисида муҳокама қилинди. Ҳар бир тўгарак аъзоси ўз фикрини билдирди, унинг ишининг қизиқарли ва жонли ўтказилишида янги таклифлар киритилди.

Бу каби амалий машғулотлар коллежимиздан келгусида малакали мутахассислар етишиб чиқишига муҳим омил бўлади.

**Насиба ҲАМИТБОЕВА, «Адлия маслаҳатчиси» тўгараги аъзоси.**

# Олий ҳиммат

**ТАДБИРЛАР**

***Яқинда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Акмал Икромов тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ташаббускорлигида Қорақамиш даҳасида жойлашган Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида «Қарияларга ҳурмат — энг олий ҳиммат» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.***

Унда Акмал Икромов тумани бадиий жамоалари, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг иқтидорли талабалари ўзларининг тайёрлаб келган концерт дастурларини пансионат қарияларига намойиш этишди.

Шунингдек, тадбирда тасвирий ва амалий санъат музейи талабаси Мирали Мирмаҳмудов томонидан яратилган «Қариялар доим эъзозда» номли санъат асарининг пансионатга тақдим этилиши ҳамда ёшлар томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари кексалар кўнглини тоғдек кўтарди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**Шаҳримизда мана тўрт йилдирки «Европа киноси кунлари» анжумани ўтказиб келинмоқда.**

# *Шаҳримизда Европа киноси кунлари*

Айни кунларда ғарб мамлакатларининг замонавий кино санъати билан яқиндан танишиш имконини бераётган «Европа киноси кунлари» фестивали қизғин давом этмоқда. Ушбу анжуманда Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Бельгия, Швейцария давлатлари шунингдек, Чехия, Туркия кино намояндалари томонидан яратилган 13 та бадиий фильм Алишер Навоий номидаги Санъат саройида намойиш этилиб, томошабинларга маъқул тушмоқда. Бу йилги анжуман дастуридан қизиқарли мавзулардаги бадиий савияси пухта, ғоявий жиҳатдан мукаммал ишланган фильмлар ўрин олган. Айниқса кино мухлисларида Буюк Британия киноижодкорларининг «Бриджет жонснинг кундалиги», «Билли Элиот», Германияда суратга олинган «Буэна виста», «Англия» фильмлари, «Юз қадам (Италия), «Чиройли иш» ва «Амели» (Франция), «Ўлик қўнғиз», ҳамда «Ўт терувчилар» (Чехия) фильмлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Дилором ИКРОМОВА**

☑ **АЛОҚА**

# Лицей — лойиҳа аъзоси

Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг ассоциялашган мактаблар лойиҳасини амалга оширишда қатор мамлакатлар мактаб ўқувчилари фаоллик кўрсатишмоқда. Ўқувчи ёшларни ер юзида тинчликни сақлаш учун курашга даъват этишни мақсад қилиб қўйган ушбў нуфузли лойиҳага ўзбекистонлик толиби илмлар ҳам ўз ҳиссаларини қўша бошлашди.

Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги академик лицей эса мамлакатимизда биринчилардан бўлиб лойиҳага аъзо этиб қабул қилинди.

Бу ерда лойиҳа дастури бўйича ижтимоий ва маърифий тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Бундай тадбирларнинг навбатдагиси Финляндия мамлакати тарихига бағишланди.

**Акбар АЛИЕВ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Бошига бирор оғирлик тушган, турмушдан қийналган вақтда бошқаларнинг ёрдам беришини истаган кишига айтинг: соғ-саломат бўлиб, роҳат ва фароғатда умр кечириб турган вақтида ҳеч кимдан ёрдамини аямасин, яхшилик қилишга ғайрат қилсин.

● Ҳар ким бирор нарсани маккорлик, хийла ва хушомадгўйлик билан қўлга киргизишни истаса, мақсади ҳосил бўлмайди, мабодо ҳосил бўлса, тезда сири очилиб шарманда бўлади.

● Илм билан амал — лафз ва маъно жиҳатидан бир-бирига мулозим ва мувофиқдир, чунки илмдан мақсад — амалдир.

БАЙТ:

**Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,**
**Эмдики илм ўлди амал айлагил.**

● Ҳиндистонлик бир донишманд ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Азиз ўғлим, қўлингга кирмаган, ёки қўлингдан кетган нарса учун қайғурма. Ҳар ерда куракда турмайдиган бехуда сўзлар сўзлаб юришдан йироқ бўл. Нокас, қурумсоқ кишидан қарздор бўлма, у билан асло муомала қилма, кейин пушаймон қиласан. Шарм, хаёсиз ва баҳил киши билан суҳбатдош бўлма, шундай ярамас одамларга қўшни бўлмасликка ҳаракат қил. Ўз кучинг орқасида нон топиб егил, текинхўрликка ўрганма, олижаноб, мард одамлар билан суҳбатдош бўлсанг, яхшилик билан ном чиқарасан. Мақтанчоқ ва эзма одамлардан ҳазар қил.

БАЙТ:

**Ким тилин ғийбат қилишдан**
**сақлади,**
**Ул ўзин офат, балодан асради.**

● Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Бир олим, фозил одам турмушдан анча қийналиб қолди. Бир баҳил бойнинг ҳузурига бориб:

— Сиз муҳтож кишиларга ёрдам қилиш учун молу дунёингиздан бир қисмини ажратганингизни эшитдим. Мен ёрдамга муҳтож одамман, шунинг учун ёрдам сўраб ҳузурингизга келдим, — деган эди, баҳил бой ёрдам бермасликка баҳона қидириб:

— Мен фақат кўр одамларга ёрдам қилмоқчиман, — деди. Олим ундан юз ўгириб қайтиб кетаётиб, айтди:

— Сиз янглишасиз, мен ҳақиқий кўр одамман. Агар ҳақиқий кўр бўлмасам эди, сиздек баҳил кишидан ёрдам сўраб келмасдим.

Баҳил бой айтган гапига пушаймон қилиб, бир хизматчиси орқали олимга пул юборди, олим қабул қилмади.

БАЙТ:

**● Кишиким йўқ эрур меҳру**
**вафоси,**
**Агар хуршид эрур андин не ҳосил?**

● Шайх Саъдий айтади:

— Бир қанча улуғ одамлар билан бирга кемада кетар эдик. Орқамиздан келаётган қайиқ ғарқ бўлди. Унинг ичида ўтирган икки ака-ука сув гирдобига тушдилар. Кемамизда бўлган улуғлардан бири кемачига:

— У икки ака-укани қутқаз, хизматинг учун сенга юз олтин бераман, — деди.

Кемачи улардан бирини қутқазгунча иккинчиси ҳалок бўлди. Мен ҳалок бўлган одамга ачиниб:

— У бечоранинг умри тугаган экан, уни қутқазиш учун кечикиб ҳаракат қилдинг, аммо иккинчисининг умри боқий бўлгани учун аввал уни қутқазишга ошиқдинг, — деган эдим, кемачи кулиб айтди:

— Айтганингиз тўғри, лекин мен аввал буни қутқазишга ошиқдим, кўнглим шунга майл этди, чунки бир вақт мен чўлда кета туриб жуда чарчаб қолган эдим, бу мени туясига миндириб олди, чўлда қолиб кетишдан қутқазди. Ҳалок бўлган кишидан эса ёшлигимда таёқ еган эдим. Ҳар ким яхшилик қилса ҳам, ёмонлик қилса ҳам ўзига қайтади.

БАЙТ:

**Гар қўлингдан келса, ҳаргиз**
**кимсани ранжитмагил,**
**Яхши иш, яхши ҳунардан ҳеч**
**қачон айрилмагил.**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

### Муҳаммад Авфий

# Жавомиъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

Мактуб ўқилгач, Эъзоз мағрибий билдики, бугун унга асир бўлган йигит Ҳалаб шоҳининг ўғлидир. Мағрибий уйига келиб шаҳзодани ўз ҳузурига чақириб: «Сенинг бундай журъат қилмоғингга сабаб нима эканлиги менга маълум бўлди. Йўл тўсиб, ҳалойиқнинг молини олиб кетмоқ ҳар қандай яккабош ўткинчининг иши эмас», деди.

«Ёшлик ғурури ва шайтон васвасаси мени шу йўлга олиб кирди. Мана эндиликда сенинг асирингман. Агар менга лутф қилиб, молларингни омон қолгани шукронасига мени озод қилсанг, камоли яхшилик бўлар эди. Агар пул бадалига озод қилишни хоҳласанг, қанча баҳо қўйсанг ҳам майли, мендан тилхат ол! Қайси жойни тайинласанг, ўша ерда ўз хоҳишим билан пулни сенга олиб келиб топширай», деди шаҳзода.

Эъзоб мағрибий шаҳзодага таъзим қилди ва унинг оёғидан бандни ечди ҳамда узр сўради. Эъзоб мағрибий шаҳзодани енгилтаклиги учун маломат қиларкан: «Агар сенинг ишинг йигирма минг динор билан битса, сенга мазкур миқдор маблағни қарз бераман ва тилхат оламан: Ҳалабда менга қайтарурсан», деди.

Шаҳзода Мағрибийдан бунчалик лутфни кўриб, унга ҳадсиз миннатдорчиликлар билдириб, молларни олди. Зебу зийнатлардан нимаики истаса, барчасини муҳайё қилиб, Миср шоҳининг ҳузурига борди. Миср шоҳига куёв мақбул бўлди. Унга қимматбаҳо саруполар кийдириб, ҳисобсиз ҳадялар берди. Шундан сўнг тўйгача шаҳзодани махсус парвариш қилиб тўй ҳаракатини бошладилар.

Бир кун келинни куёвга кўрсатмоқ учун уларни ясантирардилар. Шу куни шаҳзода шаробхўрликка машғул эди. У бирор соат шароб ичгач, сайр қилмоқ мақсадида бўстонга чиқди ва ёлғиз ўзи бўстонни кезаркан, ногоҳ кўзи бир манзарага тушди. У ерда шоҳона ўтов тикилган бўлиб, шаҳзоданинг қайлиғини ясантирмоқда эдилар.

Ўтовнинг боққа қараган дарчаси бор эди. Шаҳзода дарчадан ичкарига қарамоқчи бўлди. Унда ҳали ёшлик ғурури мавжуд эди. Бинобарин, дарчадан ичкарига яхшироқ қараб, ҳарамдаги хотинлар жамоасини таниб олишга қарор қилди ва тасодиф юз берди.

Чунончи қизнинг кўзи шаҳзодага тушиб, бирор бегона киши ҳарамни томоша қилиш учун келибди, деб гумон қилди. Канизларга икки шохли темир паншаҳани келтиришни буюрди. Канизлар паншаҳани олиб келиб, шаҳзоданинг икки кўзига санчдилар. Шаҳзода оҳ уриб йиқилди. Хизматчилар югуришиб келиб, шаҳзодани минг машаққатлар билан бошқа жойга олиб бордилар. Тўй мотамга айланди. Бир неча муддат табиблар шаҳзоданинг муолажасига овора бўлдилар, аммо фойдаси бўлмади.

Бир неча муддатлардан сўнг шаҳзодани келин билан бирга тахтиравонга ўтқазиб Ҳалабга жўнатдилар.

Шаҳзода шитобкорлик ва енгилтаклик туфайли икки кўзидан ажралди.

### ШОҲ ВА ТЎРТ ПОСБОН

Ҳинд мулки шоҳининг энг ишончли ва ихлосманд тўрт нафар хизматкори бор эди. Улар ёшликдан ишонч камарини боғлаб ихлос жиловини қўлга киритган эдилар. Мазкур тўрт кишидан иккитаси шоҳнинг посбони ва қолган иккитаси унинг маслаҳатчиси эди.

Посбонлар ҳар кеча навбатма-навбат шоҳни қўриқлардилар. Улар якка-якка посбонлик қилар эдилар. Бир куни кечаси шоҳ истироҳат қилиб ётган эди. Тўрт биродардан бири шоҳнинг ётоғи олдида ўтириб посбонлик қиларди. Ногоҳ уйнинг шифтидан катта бир илон пастга тушиб келди ва шоҳнинг ўрни томон келди. Илон шоҳнинг хотинини заҳарлаш қасдида бошини кўтариб зарбага ҳозирланди. Буни кўриб турган посбон ўйланиб қолди. «Агар бу илон хотинни чақса, албатта ўлдиради. Илонни даф қилмоқ учун хотиннинг бошига борсам шоҳ уйғониб қолса керак...»

Шундан сўнг, ўқни камонга жойлаб, илонга отди. Бир ўқ билан илонни ўлдирди. Сўнг илонни олиб тахтнинг тагига қўйди. Аммо посбон маликанинг кўкрагида илоннинг бир томчи заҳрини кўргач, ўзича: «Агар маликанинг кўкрагидаги заҳарни артиб олмасам, у ҳолда таъсир қилиши муқаррардир ва агар қўл тегизсам, номус, мурувват ва диёнатдан йироқдур», деб ўйлади. Шундан сўнг, бир оз латтани камоннинг учига боғлаб хотиннинг ётган ўрни яқинига борди ва камоннинг учидаги латта билан хотиннинг баданидаги заҳарни артиб, орқасига қайтаётганда шоҳ уйқудан уйғониб кўрдики, посбон унинг ўрни ёнидан кетиб бормоқда. Шоҳ ундан гумонсиради. Посбоннинг навбати тугаб уйига қайтди. Унинг ўрнига бошқа посбон келди. Шоҳ посбонга овоз қилди: «Бу ёққа кел ва амримга итоат қилиб, бориб биродарингни бошини кесиб келтир!» деди. Йигит биродарининг уйига бориб кўрдики, у ўрнида бамайлихотир истироҳат қилиб ухлаб ётибди. Йигит ўз-ўзига деди:

«Агар у гуноҳкор бўлганда эди, ҳаргиз бундай ухлаб ётмас эди». Шундан сўнг, йигит шоҳ ҳузурига қайтди. Шоҳ сўради: «Бошини келтирдингми?»

«Йўқ», деди йигит.

«Нима учун?»

«Шунинг учунки, эсимга бир ҳикоя тушди. Ушбу ҳикояни олий зотнинг диққат-эътиборига ҳавола қилай, сўнгра агар посбонликка фармон бўлса итоатда бўлсам», деди йигит. «Айтчи?» деди шоҳ.

**(Давоми бор).**

**Турғун ФАЙЗИЕВ** тайёрлаган.

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

### Бошқотирма



**Азиз оқшомхон! Қуйида таърифлари баён этилган сўзлар занжир ва кесишган ҳолда жойлашади. 1.** Ватанимиз терма командаси футболчиси. 2. Ҳарбий бўлинма. 3. Яман пул бирлиги. 4. Ойнаванд айвон. 5. Оила бунёд бўлишида ўтказиладиган маросим. 6. Спорт мусобақасини бошқариб борувчи. 7. Ҳарбий унвон. 8. Турбинанинг айланадиган қисми. 9. Қабул қилувчи ва эшиттирувчи радиостанция. 10. Чўл гиёҳи. 11. Катта варрак. 12. Тиғли қурол. 13. XX аср бошларида бирор муассаса ёки банк аъзосига берилган маҳаллий ном. 14. От-улов абзали. 15. Фан, маданият соҳаларида таниқли бўлган шахс. 16. Темурийзода ҳукмдор, шоир ва олимнинг нодир асари. 17. Амалларни механик усулда бажаришда фойдаланилган ҳисоб асбоби. 18. Ҳузур-ҳаловат. 19. Ер шарининг шимолий ҳудудидаги ўрмон маскани. 21. Шеър мисраларида такрорланувчи вазний бирлик. 22. Ойнинг китобий атамаси. 23. Бир турли попукли ўсимлик. 24. Пойабзал тикувчи ҳунарманд. 25. Бир нарса эвазига тўланадиган ҳақ. 26. Бирор нарсанинг чекланган меъёри. 27. Ўтмишни ўрганувчи фан. 28. Масжидда хутба ўқувчи имом. 29. Жануб меваси. 30. Ўқ узиш учун мўлжалга олинган нарса. 31. Ташкилот амал қиладиган қонун-қоидалар мажмуи. 32. Туркман мумтоз шоири.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар: 1.** Ингичка узун кескир баргли ўт — 9, 2, 7, 9.

2. Табобатда эт ўлдирувчи сифатида ишлатиладиган кимёвий модда — 6, 1, 2, 3.

3. Ўсимликнинг яна бир номи — 5, 2, 7, 8.

4. Парранда ошиёни — 2, 4.

Энди шакл айланаларидаги рақамларни очқич жавобларидаги мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан ўтмишимиз донишманди Луқмони ҳакимнинг азиз фарзандига ёзиб қолдирган ҳикматлардан бирини билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 10 май сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

1. Камолон. 2. Нукус. 3. Саъва. 4. Абжад. 5. Довул. 6. Лицей. 7. Йилқи. 8. Ишқор. 9. Ротор. 10. Ривож. 11. Жувоз. 12. Завод. 13. Дўппи. 14. Иқбол. 15. Лапар. 16. Ровоч. 17. «Чертмак».

**Энига:** 20. Соат. 21. Аруз. 22. Жума. 24. Эрон.

**Бўйига:** 18. Март. 19. Лава. 23. Айиқ. 24. Элей.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Ватан. 2. Қалъа. 3. Билим.

**Мақол**: Таъна қилма,
Тавба қил.



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-410. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.00 1 2 3 4 5 6

АСЛИДА БЎЛГАН ВОҚЕА

# ШУМ БОЛАНИНГ ЎЗГИНАСИ

## (Ярим чин, ярим ҳазил)

(Давоми. Боши ўтган сонда)

### 2. Дангасалар дангасасининг подшоҳи

Бундай холатлар одатда тез-тез такрорланиб туради. Диванда амакиси соатлаб қолиб кетади. У кишим бўлсалар бу вақт мобайнида уйқунинг бештасини уриб бўлган бўлади. Кутавериб сабри тугаган амакиси энди кимдандир уни айтдириб юборади.

— Фарҳод ким бўлади! Амакиси чақиряпти уни!

— Фарҳод, ҳой тур, амакинг кутиб қолибди сени сўраётган экан, обкеларкансан!

Ширин уйқусидан сапчиб уйғонади:

— Ҳозир, ҳозир! — дейди-ю яна уйқуга кетади.

Беморлардан бири бориб, яна уни туртиб уйғота бошлайди:

— Э, турсангчи, қанақа боласан ўзи, бориб амакингни олиб келмайсанми?

Кўзларини ишқалай-ишқалай, Фарҳод аранг ўрнидан қўзғалади.

— Э, зўр тушимниям нақ белига тепдиларинг-да! — деб тўнғиллайди у.

— Қанақа зўр туш экан ўша? — сўрашади хонадагилар.

— Тушимда подшоҳ бўлибман, ха подшоҳ! — дейди Фарҳод ўзида йўқ хурсанд бўлиб. Оғзи қулоғида.

— Йўғ-э!

— Тушимда қайсидир мамлакатда яшаётган эмишман. Шу денг, шаҳар ҳокими ўз хизматкорларини тўплаб, фармойиш берибди: «Жамики лаванг, ишёқмас, танбал, ялқов, дангасаларни топиб келтиринглар».

Кўз очиб юмгунча ана шунақанги такасалтанглардан етти нафарининг оёғини ерга теккизмай ҳокимнинг ҳузурига келтиришибди. Ана шуларнинг ичида мен ҳам бормишман. Ҳоким: «Буларни уч кун оч қолдиринг. Сув ҳам, овқат ҳам берманг!»—деб буйруқ берибди. Тўртинчи куни бизларга биттадан пишган тухум улашишди. Ялқов шерикларимдан олти нафари ҳаш-паш дегунча тухумни пўчоқ-мўчоғи билан паққос тушириб қўйишса-я! Мен бўлсам, жойимда ётган ҳолда шерикларимдан бирига нима дермишман: «Оғайни, тухумимнинг пўчоғини тозалаб бер!» Менинг бу гапларимни эшитган ҳоким ёқасини ушлаганича: «Кел, сен Фарҳоджон, дангасалар дангасасининг подшоҳи бўлдинг!» деб эълон қилаётганида, сизлар уйғотиб юбориб тушимнинг ҳам белига тепдирингиз!

— Подшоҳим Фарҳоджон, айбга буюрмайдилар, энди бориб амакингизни олиб келарсиз, — дейишади хонадагилар кулиб.

— Хўп, ҳозир бораман, — деди-да, ўрнидан оҳиста қўзғалди. — Қизиқ, бу ривоятни кеча қоровул менга ҳикоя қилиб берган эди, уни сизларга айтиб бермоқчи эдим, ёдимдан кўтарилибди, келиб-келиб, тушимга кирганини қаранглар-а. Яна кимсан, Фарҳоджон подшоҳ!

— Подшоҳим, борсинлар энди, — дейишди ҳамхоналари яна.

— Кетдим...

Даҳлизда бақир-чақирлар бошланди. Сўнг ҳассанинг дўқир-дўқири эшитилди.

Авзойи бузилган амаки хонага кириб келаркан, ҳамон нималарнидир қаттиқ-қаттиқ гапирар, бир гапни қайта-қайта такрорларди.

— Мен у ерда кутиб ўтираверишим, бу жаноби олийлари эса, бу ерда мазза қилиб хурракни отиб ётаверишлари керак. Ялқовга, агар билсанг, эшик остонасиям тоғ-тепадек кўринар экан. Биласанми шуни, туя ҳаммомга киришни орзу қилган экан. Сен, Фарҳоджон, подшоҳ бўлгинг келиб қолдими?

Фарҳод «ҳужум»га ўтди:

— Ухласам, беш минут ухлабман-да, нима осмон узилиб ерга тушибдими?

— Қанақаси беш минут, бир соат-у йигирма бир секунд, агар аниқроғини билмоқчи бўлсанг!

— Мунажжим бўлиб кетинг-э, — деди Фарҳод амакисини жаҳлдан туширмоқчи бўлиб. — Сизнинг даврингизда бир тўйиб ухласам, уҳлабманда!

— Бўпти, бўпти, ҳисоб бир-у бир! — деди амакиси ён босиб.

— Қанақасига бир-у бир, икки-ю бир, кимсан Фарҳоджоннинг фойдасига, — деди амакиваччаси бўш келмай.

— Э, бор-э, сен айтганча бўла қолсин, шу билан хурсанд бўла қол.

— Хурсандман!

Амакисининг қорни ғўлдираб қолди:

— Фарҳоджон, қорним сурнай чаляпти, овқатлантириб қўймайсанми?

— Бу бошқа гап. Нима ейсиз, ош бор, манти бор, қайси бирини?

— Менга барибир!

— Мен ош ейман, сиз манти, ҳайми, аввал иккисидан ҳам татиб кўрай-чи, сўнг айтаман натижасини! — деб Фарҳод аввал ошнинг ярмини, сўнг мантининг ярмини паққос туширди. Амакиси кутиб ўтирибди, қачон манти берар экан, деб. У бўлса, оғзини артиб, юзларини буриштирган бўлдида, ҳеч нарса юз бермаганидек, хотиржам ҳолатда гап бошлади:

— Эшитинг, менинг жондан азиз, амакиginam, — деди у гўё ўзини тахтда ўтирган шоҳлардай ҳис этиб. — Қадим-қадим замонда бир олижаноб донишманд одам ўтган экан. Ким нима келтирса, уни ўртада баҳам кўрар экан. Кунлардан бир куни бир бобо деҳқон даласида етиштирган бодрингларидан учтасини унга келтириб берибди. У ҳаш-паш дегунча, учта бодрингни еб, деҳқонга ҳақини узатар экан: «Қўлларингиз дард кўрмасин, бобо деҳқон, росаям ширин экан», — деб уни кузатиб қайтиб келса, шериги:

— Олинг ҳам демадингиз, бодрингни бир ўзингиз еб қўйдингиз, сизда бунақа одат йўқ эди-ку! — дебди.

Шунда ҳалиги донишманд:

— Қарасам, деҳқон келтирган бодринги аччиқ экан, сизга берсам уни еб кўриб, э, аччиқ экан-ку, деб юборсангиз, ҳалиги деҳқоннинг кўнгли ранжиб қолмасин, деб учта бодрингниям ўзим еб қўя қолдим, — деган экан.

— Амакижоним, — деди Фарҳод, — ош ҳам, манти ҳам ачий бошлабди. Тағин еб, заҳарланиб ўтирманг, деб, сизга раво кўрмадим. Бугун энди касалхонанинг овқатини кутишдан бошқа иложингиз қанча!

Чуқур ўйга толган амакиси «раҳмат» ҳам демади, фақат оғир хўрсиниб, ўзига-ўзи гапирган бўлди:

— Пулнинг ҳам таги кўриниб қолди, аксига олиб, Косондан ҳам ҳеч ким келмаяпти. Қаршидан ҳам ҳали-бери садо чиқмаса керак!

— Пулни нима қиласиз? — ажабланиб сўради Фарҳод.

— Керак, Фарҳоджон, керак! Пул белни бақувват қилади, дейдилар.

— Биринчи марта эшитишим бундай гапларни, — ҳайрон бўлди Фарҳод. — Нима, яна дўхтурларга пул қистирмоқчимисиз. Томоқларини хўлламоқчимисиз; еган оғиз уялар-да кейин, шундайми?

— Пул бўлса, уёғини нима қилишни ўзим биламан! Мени шу ердан омон-эсон олиб чиқиб кетсанг бўлгани фақат, — деди амакиси, лекин у нималарни назарда тутди, буёғи қоронғу эди.

Амакиси: «...Пул кечикса, касал ҳам кечикади, ана ундан кейин хинони оёғингга қўявер!» демоқчи бўлдими, бундай ошкора гапини айтишдан ўзини тийдими?! Билолмади Фарҳод деганлар!..

Шу пайт эшик олдида ётган бемор — Даврон ака тилга кириб, ўзидан-ўзи гапира кетди:

— Пул бўлса, пул бериб, хотин оласан,
Пул бўлса, пул бериб имон оласан.
Пул бўлса, пул бериб, виждон оласан,
Базм— пул, виждон—пул, шариат,
Қош-кўз, ширин сўзлар пул.
Ҳаттоки муҳаббат, юраклар ҳам пул...

—Балли-э! — дейишди хонадагилар. — Зўр!..

— Бировнинг жонидан ўтган, бировнинг ёнидан ўтармиди, — дер экан амаки, бу ёқдагилар бу гапи билан у нималарни назарда тутганини англай олишмади. Сўнг у сўзида давом этди. — Кўрган-билганлар ҳўкизни чаппа қилади, бунда қанақа касал бор, деб бошида ишонишмади менга. Эл бор ерда, гап ҳам бўларкан. Мен ҳам ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Ҳаётда ҳийла тоя кўрманг, душманларингиз дўпписини осмонга отишади. Ичиб турган ошимга пашша тушди, деб шуни айтсалар керак.

Ҳа, амакининг дард-у ҳасратидан чангтўзон кўтариларди.

— Ҳаётда инсон уч марта хатога йўл қўяди дейишса, ишонмасдим, — дея яна сўзида давом этди амаки. — Энди ишондим! Уйланишда, дўст ва касб танлашда!

### 3. Зерикишга вақт йўқ

Шу пайт ошпазнинг: «Обед! Тушки овқат!» деган овози эшитилди. Фарҳод сапчиб ўрнидан туриб, идиш-товоқларни кўтариб, ташқарига чиқиб кетди. Улар овқатланиб ҳам бўлишди. Амакиси озгина ётиб, дам олай, деганига қарамай, Фарҳод тўқ қоринга ётиш зарарли, дўхтур шундай деган, деб уни қўярда-қўймай диванга ўтказиб келиб ўзлари бўлса, яна каравотга узала тушиб ётиб олди. — Бунақанги аҳвол қарийб ҳар куни такрорланиб туради. Баъзан бориб амакисини олиб келиш хаёлига ҳам келмайди. Бундай пайтда кимдир уни етаклаб келиб қолади.

— Ҳой, Фарҳоджон тур, жойни бўшат! — деб қолади амакиси кела солиб.

— Мазза қилиб ётган эдим-а. Дамнинг ҳам нақ белига тепдингиз-да, — дея Фарҳод бошини кўрпа остидан аста чиқаради-да иршаяди:

— Тур, мен ҳам бирпас ётай!

— Дам олиб келдингиз-ку! — ҳадеганда ўрнидан туравермайди.

— Турасанми, йўқми? — амакиси ҳассасини кўтармоқчи бўлади-ю, кўтаролмайди.

— Ётинг, ётинг, ўзингизга буюрсин жойингиз, — эриниб ўрнидан туради. — Дори ичмайсизми?

— Ўзинг ич! — зарда қилади амакиси.

— Дўхтир тайинлаган-ку ахир, нега ичмайсиз!

— Э, дори-пориларинг билан қўшмозор бўл!

— Ичмасангиз, дўхтирга айтиб бераман, дорини ичмаяпти, дейман.

— Ҳа, майли, берсанг-берақол.

Ҳар галгидек Фарҳод дорилардан иккиучтасини кафтига солиб:

— А-а, денг, оғзингизни очинг! — деди. Амакиси оғзини катта очади. Фарҳод кафтидаги дориларни унинг оғзига биринсирин отади. Кўзлари қинидан чиқаёзган амакиси:

— Сув бермайсанми? — сўрайди. Фарҳод куйдирган калладай иршайиб тураверади. Сўнг қошиқда сув ичказади. Ютиниб бўлгач, бемор амаки:

— Мен сенга неча марталаб айтаман пиёлада сув бер деб!

— Нима, қошиқда мумкинмасми?

— Мумкинмас!

— Нега? Афанди эсингиздан дарров чиқибди-да!

— Нега-пегаси йўқ. Мумкинмас, дедимми, мумкинмас. Фарҳоджон, афандинг туш кўрган, мен ҳали туш кўрганимча йўқ, билдингми?

Амакиси энди «Фарҳоджон, Фарҳоджон!» деб муомаласи ўзгаргач, Фарҳод исмига «жон», «жон» қўшилганини эшитиб бир қоп семириб кетар, баттар талтайишга ўтарди.

**Миршароф МУҲСИМОВ**

**(Давоми бор).**

***Бугунги кунда фан ва техниканинг тараққиёти нафақат инсон ҳаётини мислсиз чўққиларга олиб чиқди, балки унинг хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳам туғдирди.***

***Бундай шароитларда маҳаллаларимизнинг осойишталигини сақлаш, уларнинг ҳар қандай шароитларда, табиат офатларида, фавқулодда вазиятларда бардошлилигини ошириш доимий эътиборида бўлиб келмоқда.***

# Маҳаллада — фуқаро муҳофазаси

Шу ўринда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси 2002 йилда бошқарма олдида турган биринчи навбатдаги вазифалар қаторида маҳаллалар аҳолисининг фавқулодда вазиятларга тайёргарлиги масаласини белгилаб олганлиги бежиз эмас. Зеро, пойтахтимиз йирик агломерант шаҳар бўлишига қарамасдан унинг 85 фоиз ҳудудини маҳаллалар ташкил этади. Шундай экан маҳаллаларда яшовчи фуқароларнинг муҳофазаси жуда муҳим ва долзарб масаладир.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан маҳалла фаолларини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш ва маҳаллаларда фуқаро муҳофазасини тўғри ташкил этиш бўйича пойтахт фавқулодда вазиятлар бошқармаси бирлашган ўқув маркази қошида тайёргарликдан ўтказиш белгиланган.

Маълумки, 2000—2001 йиллар мобайнида Тошкент шаҳридаги барча маҳалла оқсоқоллари Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бирлашган ўқув маркази қошида фуқаро муҳофазасининг дастлабки тушунчалари бўйича тайёргарликдан ўтишган бўлса, эндиликда уларнинг мураккаб дастур асосида ўқитилиши режалаштирилган. Булардан ташқари 2002 йил давомида маҳалла посбонларининг сардорларига ва маҳалла аҳолисига ҳам эътибор алоҳида бўлади, чунки маҳалла сардорларининг асосий вазифаларидан бири, бу фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазият рўй берган тақдирда уни тез ва беталафот бартараф этишдир.

Ўтган йил охирида бошқарма томонидан Собир Раҳимов туманидаги Абдулла Набиев номли маҳалла фаоллари билан махсус ўқув машқлари ўтказилди. Бу машқлар давомида маҳалла фаоллари террорчилик, қўпорувчилик акти, техноген тусдаги фавқулодда вазият ёки табиий офат содир бўлган вақтда маҳаллада фуқаро муҳофазасини ташкил қилиш бўйича амалий билимга эга бўлдилар. Эндиликда Тошкент шаҳрининг барча маҳаллаларида бундай машқларнинг тез-тез ўтказилиши режалаштирилган.

— Бундан икки йил муқаддам, Германиядан мамлакатимизга ташриф буюрган ҳамкасбларимиз билан олиб борган учрашувимиз давомида биз шаҳримизда барча диққат-эътиборни маҳаллаларга қаратиш масаласини кўтарган эдик, — дейди Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи, полковник Эргаш Икромов. — Мана, ниҳоят Тошкент шаҳрига Германия Федератив Республикасининг ёнғиндан сақлаш хизмати ва техник ёрдам кўрсатиш қўмитаси аъзолари ташриф буюрдилар. Улар томонидан танланган Ҳамза туманидаги Аҳмад Назаров маҳалласида ташкил этилган кўнгилли авария-қутқарув тузилмалари учун келтирилган махсус қутқарув анжом ва ускуналари тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси қатнашди. Ушбу йиғилишда Тошкент шаҳрининг бошқа туманларидаги маҳаллаларда ҳам шунга ўхшаш кўнгилли қутқарувчи тузилмаларни тузиш тўғрисида хулосага келинди ва бошқарма томонидан шаҳар ҳокимлигига бу таклифлар лойиҳаси киритилди.

Булардан ташқари Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 27 февралдаги 104-сонли қарорига асосан пойтахт маҳаллаларида фуқаро муҳофазаси тизимини ташкил этиш ва ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш борасида бир қатор зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинган. Булардан энг муҳими пойтахт ҳудудида жойлашган ҳар бир маҳалла ва ҳар бир ширкат қошида иш билан банд бўлмаган аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича ўргатиш ва тайёрлаш маслаҳатхоналарининг ташкил этилишидир. Ҳозирги кунда бошқарма ходимлари томонидан ушбу маслаҳатхоналарни жойларда ташкил этиш бўйича бир қатор самарали ишлар бажарилган. Мисол тариқасида бунга Юнусобод туманидаги Уста Ширин маҳалласи маслаҳатхонасини келтирсак бўлади. Ушбу маҳаллада аҳолининг фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарлигини юқори даражада ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Албатта шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан маҳаллаларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ва таъминлаш йўлида танланган йўли тўғри ва фойдалидир. Энг муҳими, бошқарманинг барча ходимлари «Ватанга садоқат, юқори малака ва фидойилик — халқ манфаатлари йўлида» шиори остида кечаю кундуз фаолият кўрсатишмоқда.

**Ўткир САИДОВ,**
**Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасининг матбуот котиби.**
**Равшан РАЗЗОҚОВ,**
**ҳарбий хизматчи.**



*Йўл ҳаракати қоидаларини гоҳи-гоҳида ҳайдовчилар эмас, балки пиёдалар ҳам бузишади. Бу каби ножўя ҳаракатлар бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.*
*Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.*

# Ўқув-услубий анжуман

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Маънавият ва маърифат марказида «Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича узвийликни таъминловчи ўқув дастурлари асосида янги ўқув қўлланмалари тайёрлашнинг долзарб масалалари»га бағишланган ўқув-методик семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинарда ёш авлодда янгича тафаккур тарзини шакллантириш йўлида янги дарслик ва қўлланмалар яратиш, уларни барча таълим даргоҳларида татбиқ этиш борасида қилинаётган ишлар ва муаммолар муҳокама этилди.

Шунингдек семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов ва Д,Алимова, Қ.Назаров, З.Исломов каби олимлар қизиқарли маърузалар қилдилар. Бундан ташқари семинарда «Ўзбекистон тарихи фанидан яратиладиган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаб ва тавсиялар», «Миллий истиқлол ғоясини ижтимоий фанлар дастурлари ва ўқув адабиётларига сингдириш», «Ноюридик мутахассислар учун ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш фанларидан янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш муаммолари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Бахтиёр КАРИМОВ**

☑ НАБОТОТ ОЛАМИ

# Ҳаётбахш ўсимликлар

**Она табиатимизга бетакрор гўзаллик, инсонларга ҳаёт бағишлайдиган нарса аслида яшиллик олами (ўсимликлар дунёси) десак асло муболаға бўлмас.**

Узоқ ўтмишимизга назар ташласак, аждодларимиз ўзларининг илк даврларидаёқ ўз дардларига малҳам қидириб, ўсимликларга «мурожаат» қилган ва давони шу ўсимликлардан топганлар. Шифобахш омилларни аниқлашда ҳайвонлар устида олиб борилган кузатишлар ҳам катта роль ўйнаган.

Хитой ривоятларига қараганда жуда қадим замонларда чўпонлар шундай ғайритабиий лавҳаларнинг жонли гувоҳи бўлишган: қўй ва эчкилар доимий яшил ўсимликнинг баргларини ейишганда жуда тийраклашишар, сузағон бўлиб ирғишар, ҳатто жуда эҳтиёткор ҳисобланадиган серкалар диконглаб хавфли бўлган қояларга чиқишга ҳаракат қилишар экан. Ҳайвонларнинг бу ҳолатларидан хабардор бўлган чўпонлар мана шу доимий яшил ўсимлик баргларини қуритиб оддий дамлама сифатида тотиб кўришгач, чойнинг дастлабки ҳузурбахш таъмига тушуниб қолганлар. Шу йўсинда «илоҳий гиёҳ» — чой халқнинг севимли ичимлигига айланган. Мана шундай кузатув ва ҳаётий синовлар авлоддан-авлодга ўтиб, ўсимликлар устидаги маълумотлар тўпланиб, мукаммаллашиб халқ табобатининг таркиб топишига асос яратган. Наботот олами инсонларга шунчалар инъомларни тортиқ қилганки, уларни ҳаёт жараёнимизнинг ҳар дақиқасида сезамиз. Булар фойдали ўсимликлар бўлиб, ҳаётимиз эса ана шу ўсимликлар билан чамбарчас боғланган. Олимларимизнинг сўнгги маълумотларига кўра Республикамизда 146 оилага мансуб 4500 дан зиёд ўсимлик турлари (ўсиши қайд этилган) ўсади. Бу турлар фойдали хусусиятларига қараб қуйидаги озиқ-овқат, доривор, витаминли, эфир мойли, асал (шира) берувчи ўсимликлар, бўёқбоп, ошловчи, манзарали ва ҳоказо гуруҳларга ажратилган бўлиб, уларнинг ҳар бир гуруҳи хўжаликда, тиббиётда, саноатда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонни шифобахш ўсимликлар маскани дейиш мумкин. Жонажон юртимизда ҳозирги кунда уларнинг 1000 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, шулардан ҳозир 600 га яқин тури тиббиётда ишлатилади. Ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг фақат 350 дан ортиқ туридан озиқ-овқат сифатида фойдаланилади. Уларнинг кўпчилиги кенг тарқалганлиги, серистеъмоллиги, маҳсулотларининг қимматбаҳолиги билан саноат аҳамиятига эгадир. Кўпчилик ўсимликлардан дастлаб хомлигича фойдаланилган. Ҳозир ҳам айримлари шундай истеъмол қилинади, чунки уларнинг таркибидаги витаминлар кўп иссиқликка бардош бера олмайди. Шунинг учун райҳон, жамбул, ялпиз, кашнич, укроп, отқулоқ, жағ-жағ ва жуда кўп шунга ўхшаган маданий ва ёввойи ўсимликларни кертиб ошга солинади ёки шундай салат сифатида ишлатилади. Биз азалдан витаминларни «ҳаёт» элементи деб биламиз. Витаминларни фақатгина яшил ўсимлик синтез қила олади. Витаминлар организмнинг нормал ҳолатини таъминлайди, касалликларнинг олдини олади, кишининг иш фаолиятини оширади. Агар инсон организмида витаминлар етарли бўлмаса бунинг оқибатида витаминоз, цинга, рахит, пеллагра касалликлари келиб чиқади. Витаминлар асосан ўсимликларнинг меваси, барги, танасида кўп миқдорда бўлади. Жумладан, С витамини наъматак, смородина, апельсин, мандарин, малина, маймунжон, тоғолча, кўксултон каби ўсимликлар меваларида, А витамини эса қизил сабзи, ўрик, хурмо меваларида кўп бўлади. Хуллас витаминларнинг битмас-туганмас макони ўсимликлардадир.

Фойдали ўсимликлар гуруҳлари ва уларнинг ҳар бир тури табиатнинг буюк мўъжизаси, инъомидир. Ўсимликларнинг хосиятларини, бу буюк инъомларни санаб интиҳосига етиш қийин. Ҳақиқатан ҳам наботот оламининг инсоният учун туҳфа қилаётган марҳамати чексиз.

Наботот аслида Ҳаёт, гўзаллик манбаи, табиатнинг буюк инъомидир.

**Марҳамат МАТВАФАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш марказининг кичик илмий ходими.**


## Азиз 9-синфни битирувчи ўқувчилар!

Келгусида илм-фан чўққиларини забт этиб, Ватанимиз, она-диёримиз келажаги йўлида камарбаста бўладиган, ҳар томонлама баркамол инсон бўлишни истасангиз марҳамат.

Республика миллий лицейида 2002 йил 1 июндан бошлаб мактабда олган билимларингизни мустаҳкамлайдиган, Сизга қўшимча илм сирларини ўргатадиган ва ушбу лицейга кириб ўқишингизга ёрдам берадиган ҳамда тест ишлаш сирларини ўргатадиган махсус курслар фаолият кўрсатади. Бу ерда Сизга малакали ва тажрибали мутахассислар қуйидаги фанлардан сабоқ беради:

***Она тили, адабиёт***
***Математика***
***Хорижий тил (инглиз тили)***
***Тарих***
***Кимё***
***Биология***
***Физика***

Аризалар 2002 йил 10 майдан бошлаб қабул қилинади.

Манзилимиз: Усмон Носир (Шота Руставели) кўчаси, 25-уй.
Автобуслар: 58, 38, 57, 67, 3.
Троллейбуслар: 13, 7.
Трамвай: 9, 7.
**«Бобур боғи» бекати.**

## АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Й. Охунбобоев номли Республика тиббиёт билим юртида 2002 йил 17 май куни «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади.

Билим юрти

1. *«Фармация»*
2. *«Ҳамширалик иши»*
3. *«Тиббий профилактика иши»*

йўналишларида мутахассисларни тайёрлайди.

**Манзил:** Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Турккўрғон кўчаси, 9-уй.
Автобуслар: 18, 97, 148, троллейбус: 3, трамвай: 7, 27.
«Ишчилар шаҳарчаси» бекати.

**«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки**

**2002 йил 3 майдан Катта цирк томошалари**

**Дастурда ўргатилган кучукчалар, отлар, туялар, каптарлар, улкан бўғма илон ва маймунчалар қатнашади**

**Томошалар:** жума кунлари 18.00 да шанба ва якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар:
144-32-23, 144-35-91, 144-29-04.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.

Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан 1995 йил Гулямов Улугбек Махкамбековичга берилган №079433 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

2001 йил 28 июнда Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан Тошкулов Зухриддин Мохамадович номига берилган савдо қилиш ҳуқуқини берувчи № 0412172 рақамли патент йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**